# ШОЛИНИ МУДДАТИДА ЭКАЙЛИК

**МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ**

МАЪЛУМКИ, бу йил ёғингарчилик кўп бўлиб, тупроқнинг етилиши анча кечикди. Шунинг учун айни кунларда шоли майдонларини экишга тайёрлашни ҳар томонлама кучайтириш талаб этилади. Биринчи галда экин майдонларига тупроқ унумдорлигига қараб 20—40 тоннадан яхши чиритилган гўнг солиб, махсус мослама ёрдамида қайта ишлов берилади. Бу икки томонлама фойдали. Биринчидан, гўнг тупроқ билан аралашиб унумдорлиги ошади, иккинчидан, эндигина чиқиб келаётган бегона ўтлар йўқотилади.

Кўп йиллик бегона ўтларнинг (ҳилол, ғумак ва ёввойи шоли) илдиз ва туганакларини йўқотишга ҳам катта аҳамият бериш керак. Акс ҳолда бу ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади. Бунинг учун шоли экишдан 10—15 кун олдин карталар 12—15 сантиметр чуқурликда чизелланади ёки ҳайдалади. Шу даврда ҳар гектар ерга нормадаги фосфор ўғитининг 100 проценти, азотнинг 30—40 проценти, ва калийнинг 50 процентини солинса янада яхши бўлади.

Тишли ёки дискали борона билан текисланган карталарнинг ҳар гектарига экишдан олдин бегона ўтларга қарши 5—6 килограмм ялан, ордрам, сатурн ҳамда бошқа гербицидлар эритма ҳолида сепилиб, сўнгра каток ёрдамида тупроғи зичланади. Бу шолининг ўсиш даврида яхши ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Шолидан мўл ҳосил олиш кўп жиҳатдан уруғликнинг сара ва сифатли бўлишига ҳам боғлиқдир. Бунинг учун уруғни экишдан олдин саралаш ҳамда кўкариш даражасини ошириш учун 30 процентли сульфат аммоний эритмасида (бунда 30 килограмм сульфат аммоний 70 литр сувда эритилади) 3—4 соат давомида ивитилиб сўнгра қуритилади. Ана шундан кейин экилган уруғлик тез ва бехато униб чиқади.

Шоли экишни уруғлик учун ажратилган участкалардан бошлаш керак. Областимизнинг тупроқ шароитида ҳар гектар ерга 200—220 килограммдан шоли уруғи сепилса мўл ҳосил олинишини кўрсатмоқда. Уруғлик сепилгач, дарҳол карталарга 10 сантиметр қалинликда сув бостирилади ва уч-тўрт кун шу ҳолатда сақланади. У ниш уриши билан полга сув қўйиш тўхтатилиб, бир-икки кундан сўнг яна 5—6 сантиметр қалинликда сув бостирилади. Уруғлик тўла униб чиққунгача ва тўплаш давригача сув ана шу қалинликда сақлаб турилади. Ана шундай қилинганда униб чиқаётган ниҳоллар нобуд бўлмай тез амал олади.

Айрим хўжаликларда шолипоя сув қўйиб сўнгра ишланади. Бундай вазиятда ҳайдалган майдонларнинг рельефига қараб пол олиш ва маҳаллий ҳамда минерал ўғитларнинг ҳаммасини солиб ишлов бериш талаб этилади. Бундай усулда ер сифатли текисланади, кўп йиллик бегона ўтларнинг илдизлари, айниқса, қамиш ва ҳилол ўтларининг туганаклари батамом йўқ бўлиб кетади.

Уруғликни ўз муддатида экишга қатъий амал қилиш керак. Бизнинг шароитимизда шолини қуйидаги муддатларда экиш мақсадга мувофиқдир: Шолининг кечпишар «УзРОС д. 13» нави 15 апрелдан — 5 майгача; ўртапишар «УзРОС 59» ва «Авангард» навлари 25 апрелдан 15 майгача; «Ўзбек-5» нави эса 10 майдан — 25 майгача.

**А. ҒОЗИХОНОВ,**
**Ўзбекистон шоличилик илмий текшириш институти агротехника бўлимининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.**

ТОШКЕНТ РАЙОНИ САБЗАВОТ ДАЛАЛАРИДАН ХАБАРЛАР

## 910 ТОННА УЧУН

ТОШКЕНТ районидаги Ильич номли колхознинг Тоштемир Раҳмонбердиев бошлиқ бригадаси аъзолари кўкламги дала ишларини юқори суръатларда олиб боришяпти. 50 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган сабзавоткорлар бу йил 910 тонналик хирмонни барпо этишни кўзлашган.

Экин экиш ишларини муддатидан барвақт туғаллаган деҳқонлар шу кунларда ишлов беришни ҳам пухта олиб боришяпти. Бригаданинг М. Исломов, М. Исматуллаева, Д. Қодирова, М. Назарова сингари аъзолари бу ишларда, айниқса, жонбозлик кўрсатишмоқда. Механизатор Ш. Хошимов ҳам экин ораларига ишлов беришда намуна бўлмоқда.

Райондаги Карл Маркс номли колхознинг Исматхўжа Саъдуллаев етакчилик қилаётган бригада сабзавоткорлари ҳам баҳорги юмушларни тезкорлик билан олиб боришяпти.

Партиямизнинг навбатдаги XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан қарши олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган деҳқонлар шу кунги муҳим агротехник тадбирларни муваффақиятли бажаришмоқда.

**Т. САФАРОВ.**

## МАҲСУЛОТ САРА БЎЛАДИ

ТОШКЕНТ районидаги С. Раҳимов номли колхозда Манноп Эркабоевни ишбилармон, тадбиркор бригадир деб ҳурмат қилишади. Бу бежиз эмас. Чунки ҳар йили М. Эркабоев бошчилик қилаётган бригада коллективи давлатга картошка, сабзавот маҳсулотлари топшириш план ва мажбуриятларини ортиғи билан уддаламоқда.

— Муваффақиятларингизнинг боиси нимада?— дея сўрадик коллектив етакчисидан.

— Деҳқончиликда юқори ҳосил олишнинг ўз омиллари бор,— деди М. Эркабоев.— Биринчи галда ерни эъзозлаш керак. Уни маҳаллий ўғит билан озиқлантириш, экинлар парваришини сифатли ўтказиш муваффақиятлар гаровидир.

Дарҳақиқат, шундай. Коллектив аъзолари аввало ерни боқишади. Натижаси ёмон бўлмаяпти.

Бригада азаматлари баҳорги юмушларни уюшқоқлик билан ўтказишмоқда. Эртаги экинлар дастлабки ишловдан чиқарилди. Бригаданинг Тошпўлат Убайдуллаев, Абдураҳим Эргашев, Ҳидоят Холиқов, Баҳром Жўраев сингари тажрибали сабзавоткорлари ҳар бир тадбирни ўз муддатида ва сифатли бажарилишини таъминламоқдалар. Коллективнинг мақсади бу йил халқимиз дастурхонига 1300 тонна маҳсулот етказиб беришдир.

**Н. БОБОЖОНОВ.**





**● Паркент районидаги «Бўстон» совхози чўпонлари қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунламоқдалар. Ўзаро мусобақада бош чўпон Ибрай Довулбоев айниқса яхши натижаларга эришмоқда. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган бу моҳир чорвадор ўз отаридаги совлиқларнинг ҳар юз бошидан 110 тадан ошириб қўзи олди. Суратларда: (чапдан) моҳир чўпон И. Довулбоев, қўй-қўзилар боқилаётган яйловлар.**

А. Зуфаров фотоси.

*

# ИЗЧИЛЛИККА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

**МАТБУОТ ОБЗОРИ**

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуи коммунистик тарбия ишида муҳим ўринни эгаллайди. Унинг асосий мақсади кишиларни ватанпарварлик, интернационализм руҳида тарбиялаш, армия ва халқнинг бирлигини таъминлашдан иборатдир.

«Меҳнат байроғи» газетаси мазкур темага катта эътибор билан қарамоқда. Бу мавзудаги материаллар маълум саналардагина эмас, балки мунтазам ёритиляпти. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг хотиралари, жасоратлари, мактабларда, колхоз ва совхозларда, турли ташкилот ҳамда муассасаларда олиб борилаётган тарбиявий ишлар газета саҳифаларида ўз аксини топмоқда.

Мактабларда олиб борилаётган ҳарбий-ватанпарварлик ишларига кенг ўрин беряпти. 1984 йил 17 март сонида Фурқат номли мактаб ҳарбий таълим ўқитувчиси Б. Юсуповнинг «Мақсад — ёшларни чиниқтириш» мақоласида бу борада илғор тажрибалар акс этган. Бундай материалларни кўплаб учратиш мумкин.

Редакция ҳарбий-ватанпарварлик мавзуини тўлақонли ёритиш мақсадида турли формалардан фойдаланишга интилмоқда. Шу мақсадда ҳарбий қисмлар, ҳарбий журналистлар, кенг активларни жалб этаётгани эътиборга лойиқ. Масалан, 1984 йил 7 январда «Красний воин» газетасининг ҳарбий мухбири, прапоршчик В. Мокрийнинг «Ота-онаси фахрланишга ҳақли» материали босилган. Унда райондаги Свердлов номли колхоздан Совет Армияси сафига чақирилган, сиёсий ва жанговар тайёргарлик аълочиси Қобил Абдураҳмонов ҳақида ҳикоя қилинади. Автор солдатнинг муваффақиятларини қаламга олиш билан бирга қандай қилиб Ватаннинг муносиб қўриқчиси бўлиб етишганлигини ишонарли баён қилади. У Армияга чақирилгунга қадар ДОСААФ мактабини ўқиб тугатди. Йигитлик бурчини бажаришга чиниққан ҳолда келди.

Газета «Солдат мактублари» рубрикаси остида ҳажм жиҳатидан кичик бўлса ҳам ўринли, мазмунли материалларни бериб бораётганлиги қувончлидир. Шу ўринда 17-мартда ефрейтор Р. Мажиевнинг «Миннатдорман» сарлавҳаси остида эълон қилинган хатидан сатрлар келтириш ўринлидир: «...Командиримиз мени эришган муваффақиятим билан самимий табриклар экан, мактабда ҳарбий таълимдан сабоқ берган ўқитувчимизни суриштирди. Саволга жавоб олгач, «Устозинг сени хизматга яхши тайёрлабди»,— деди.

Саҳифаларда, шунингдек, ҳарбий билим юртларига ўқишга кетган курсантлар ҳақида материалларни мунтазам бериб борилаётганлигини қутлаш керак.

Ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш, ҳарбий таълимни ўрганишда ДОСААФнинг қатор жамоат ташкилотлари роли муҳимдир. ДОСААФ қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшларнинг Армияга ғоявий ва жисмоний чиниққан, меҳнатсевар, ҳарбий ишнинг асосларини ўрганган ҳолда келишларини таъминлайди. Газета бу кўнгилли жамиятда бўлажак солдат қандай шаклланаётгани, чиниқаётгани ва билим олаётгани ҳақида материаллар эълон қилиб боряпти.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан газета уруш ветеранлари ҳақида, улар билан ўтказилган учрашувлар, суҳбатлар тўғрисида материалларни тез-тез уюштирмоқда.

Саҳифаларда шаҳарлар, қардош республикаларнинг немис-фашист босқинчиларидан озод этилиши саналарига бағишлаб, шунингдек, фронтда бурилиш ясаган муҳим операциялар ҳақида мақолалар бериб борилмоқда. Шу билан бир қаторда совет халқининг немис-фашист босқинчилари ва Япон милитаристлари устидан қозонган Ғалабанинг жаҳоншумул тарихий аҳамияти, совет халқининг оммавий қаҳрамонлиги акс эттирилмоқда.

Редакция Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига минбар бериб тўғри қиляпти. Ветеранлар қуролдошларининг жасоратлари, интернационал Совет Армиясининг кучқудрати, партия ва ҳукуматимизнинг тинчлик сиёсати ҳақида материаллари коммунистик тарбия ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшиляпти.

Газета, шунингдек, Улуғ Ватан уруши ветеранларига яратилаётган имтиёзлар, қулайликлар тўғрисида район социал таъминот ходимларининг чиқишларини ташкил этиб тўғри қилмоқда.

«Меҳнат байроғи» ҳарбий-ватанпарварлик мавзуини анча муваффақиятли ёритмоқда. Унинг кўпгина қирралари қамраб олинган. Лекин айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Ҳарбий-ватанпарварлик саҳифаси мунтазам бериб борилмайди. Бу мавзуда эълон қилинаётган материалларга кўпинча рубрика қўйилмайди. Жанрлар камбағаллиги сезилиб туради. Берилаётган саҳифа ва материалларнинг айримлари шошма-шошарлик билан тайёрланаётганлиги сезилади. Баъзи материаллар умумий характерда бўлиб, маҳаллий фактлардан фойдаланилмайди. Бу эса унинг таъсир кучини камайтирмоқда. Масалан, 1984 йилнинг 26 январида Ленинград душман блокадасидан озод қилинганлигининг 40 йиллиги муносабати билан саҳифа берилган. Юқорида таъкид этилганидек, умумий характерда. Саҳифанинг охирида бор-йўғи 35 қаторгина пискентлик Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бўлган жангчилардан икки нафари ҳақида ҳикоя қилинади, холос. Агар бу саҳифада собиқ жангчилар хотиралари билан ўртоқлашганларида ёки уларнинг жасоратлари ҳақида ёзилганда мақсадга яқин бўлар эди. Бундай камчиликларни 16 февралдаги «Корсун-Шевченко районидаги жасорат», 12 майдаги «Бугун Қрим фашист босқинчиларидан озод қилинган кунга 40 йил тўлади», 26 майдаги «Ватан посбонларининг байрами», «Бу Халхин-Голда бўлган», 21 августдаги «Ясси — Кишинев операциясининг 40 йиллигига» ва бошқа мақолаларда ҳам кўриш мумкин.

Уруш ветеранлари ҳақидаги кўпгина материаллар юзаки ёзилмоқда. 1984 йил 23 февралда «Ҳамқишлоқларимиз жасорати» рубрикаси остида иккита материал берилган. «Муқаддас тупроқ учун» сарлавҳали биринчи корреспонденцияда Ш. Шоматова пискентлик Эшбой Алиқулов ҳақида ёзади. Материал умумий, кўп марта такрорланган жумлалардан иборат. Улуғ Ватан уруши жангларидаги иштироки қуйидаги жумлалардан иборат холос: «У қуролдош дўстлари билан ёнма-ён душманга аёвсиз ўт очди. Бир қанчасини ер тишлатди». Иккинчи «Жанговар хизмат учун» материали ҳам шундай жумлалардан иборат. Рубрикаси «Ҳамқишлоқларимиз жасорати» дейилади-ю, лекин материалда уларнинг жасоратлари акс эттирилмайди.

Редакция ёшларга бағишланган «Истиқбол» саҳифасини ёритиб бормоқда. Унинг март ойидаги сони ҳарбий-ватанпарварлик темасига бағишланган. Бу, албатта, яхши. Лекин саҳифадаги материаллар пишиқ-пухта эмас. Мавзулар такрорланади. «Ҳушёрлик» сарлавҳаси остида этюд берилган. Ундаги зўрма-зўраки ўхшатишлар, қайтариқ сўзлар кишининг ғашига тегади. Саҳифада уч нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчисининг суратлари босилиб, уларнинг тагига шундай сўзлар ёзилган: «Фотомухбиримиз А. Икромов «Истиқбол» саҳифасига тақдим этган ушбу суратлар Ватан уруши жабҳаларидан, меҳнат фронтидан ҳикоя қилади». Хўш, фотомухбир қандай қилиб «Ватан уруши жабҳаларидан» ҳикоя қилиши мумкин?

Яна бир мисол. 17 апрель сонида И. Аблямитовнинг «Ҳурмат қозонган солдат» корреспонденцияси берилган. Унда солдат Неъматжон Назаровнинг оиласига ҳарбий қисм командиридан келган хат тексти баёни берилади: «Ҳурматли Эркин ака, Ҳидоят опа!.. ўғлингиз Неъматжон Назаров...» Шубҳасиз мактубда солдат ота-онасининг исм-фамилияси ёзилиши аниқ. «Фалончи ака, опа» деб қисмдан хат келмайди. Газетхон бундай жумлаларни ўқигач материалга ишонмаслиги, тўқилган деб ўйлаши ҳам ҳеч гап эмас. Кўриниб турибдики, кичкинагина бўлса ҳам ҳақиқатни бузиб кўрсатиш, тилга эътибор бермаслик мазмунли материалнинг ҳам қийматини пасайтиради.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Биринчи май сонида «Бурчга садоқат» сарлавҳаси остида ярим саҳифадан кўпроқ ҳажмда материал берилган. Унда ҳам фактларни тўғри талқин қилмаслик, ибораларни нотўғри қўллаш, ортиқча сўзлар ва бошқа камчиликлар бор. Масалан, шундай жумлаларни ўқиш мумкин: «Эгамберди ака уруш қачонгача давом этишини, албатта билмас эди». Ўн сатрдан сўнг яна шундай баён бор: «Уруш нима эканлигини ҳали билмасди...» Яна ўқиймиз: «У аввало разведка мактабида ўқиди. Мактабни битиргач, олдин бўлим командири кейин эса разведка группасининг командири бўлиб хизмат қилди». Автор М. Азнауров бўлим билан бўлинма сўзининг фарқига бормайди. Яна мисоллар келтирамиз: «Душманнинг бир гуруҳи ертўлада жойлашиб, армиямизнинг олға силжишига ҳалал бераётган эди. Яна шуниси маълум эдики, душман тиш-тирноғигача қуролланган эди. Лекин фашистларнинг галаси қаерда, ДЗОТ гарнизони қаерда — разведкага номаълум эди. Махсус разведка группаси уч кун мобайнида фашистлар ДЗОТи Шетника қишлоғи ёнида эканлигини аниқлади». Ана сизга мантиқсизлик, узуқ-юлуқ жумлалар. Аввало, ертўлада жойлашган душман қанча бўлди-ю, қандай қилиб Армиянинг силжишига монелик қилиши мумкин? Фактни ортиқча бўрттириб кўрсатиш, мантиқсизликни қандай тушуниш керак?!

Умуман, газетадаги кўпгина материалларда изчиллик етишмайди. Масалан, саҳифалар берилганда бир мавзуда бир неча мақола берилади. Айрим мавзулар эса унутиб қўйилади.

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуини ёритишда газета бир мунча ишлар қилаётган бўлса-да, лекин юқорида таъкидланганидек қатор камчиликларга йўл қўймоқда. Нуқсонларни бартараф этиш учун редакция коллективи кўп изланиши, ўз фаолиятига танқидийроқ ёндашиш зарур.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги яқинлашмоқда. Газета ҳарбий ватанпарварлик мавзуини янада яхшироқ ёритиши учун партия, совет, комсомол, ҳарбий комиссариат ходимлари, Улуғ Ватан уруши ветеранлари, активларни кенгроқ жалб этса айни муддао бўлур эди.

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## ФИКРЛАШИБ ОЛИНДИ

ВАРШАВА. ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский расмий визит билан Польшага келган Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри Ж. Хауни қабул қилди.

ПАП агентлигининг хабар қилишича, учрашув чоғида халқаро аҳволнинг энг муҳим проблемалари хусусида фикрлашиб олинди. Польша раҳбари қуролланиш пойгаси кучайиб бораётганидан ташвишланганини изҳор этиб, Американинг космик фазони ҳарбийлаштириш режаларини танқид қилди, мустаҳкам тинчликни таъминлаш мақсадида Европада иккинчи жаҳон урушидан кейин Ялта ва Потсдам конференциялари қарорларига мувофиқ вужудга келган ва Хельсинкидаги Умумевропа кенгаши Якунловчи актига ёзиб қўйилган территориал — сиёсий реалликларга риоя этиш зарурлигини таъкидлади.

В. Ярузельский қуролланиш пойгасини тўхтатиш, кескинликни юмшатиш ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик сиёсатига қайтиш мақсадида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ўртага қўйган ташаббуслар ва таклифларнинг катта аҳамиятини уқтириб ўтди.

(ТАСС).

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **БУДАПЕШТ**

Венгриянинг йирик саноат-маданий маркази—Сольнокда Чили халқининг фашист диктатурасига қарши кураши билан бирдамлик юзасидан оммавий митинг бўлиб ўтди. Митинг иштирокчилари Чилида қонли режим ўтказаётган бедодлик ва жабр-зулм сиёсатини қатъий қораладилар, озодлик, демократия учун, зулмкор кучларга ва урушга қарши курашаётган халқни қўллаб-қувватлашларини айтдилар.

◆ **БОГОТА**

Колумбия пойтахтида 20 нафар ёш ўқитувчи бир неча йил иш топиш учун муваффақиятсиз урингандаридан кейин очлик эълон қилди. Улар ана шундай аянчли ҳаракатлари билан маъмурларнинг диққат-эътиборини ишсизликнинг ўткир проблемасига жалб этишга уринмоқдалар. Ўқитувчилар миллий федерацияси иш ташлаган ўқитувчилар билан бирдамлик изҳор этиб, мамлакат маъмурларини минг-минглаб ишсиз ўқитувчиларни иш билан таъминлаш юзасидан чоралар кўришга даъват этди.

◆ **АДДИС-АБЕБА**

Эфиопияда паррандачилик тез суръатлар билан ривожланмоқда. «Йезареиту итиопия» газетасининг хабар қилишича, Дебре-Зейт шаҳридаги паррандачилик фабрикасида йилига 2 миллионта жўжа ўстирадиган инкубатор фойдаланишга топширилган. Инкубаторнинг ишга туширилиши билан у ерда йил сайин 30 миллион дона тухум ва бир миллионта бройлер етиштириладиган бўлади. Озиқ-овқат саноати корхоналари чиқиндиларини қайта ишлайдиган цехни кенгайтириш ҳам режалаштирилмоқда. Цех реконструкция қилинганидан кейин 370 центнер парранда озуқаси ишлаб чиқариладиган бўлади.

(ТАСС).



**НИКАРАГУА. Марказий Американинг Марказий Разведка Бошқармаси бу мамлакат тинч аҳолисига нисбатан террор ўтказмоқда. Америка ҳарбий интервенциясининг хавфи ортаётганлиги муносабати билан никарагуаликлар ўз мамлакатларининг мудофаасини мустаҳкамлаяптилар, империалистларнинг авантюрасига қатъий зарба беришга тайёргарлик кўришяпти. Суратда: сандиночи халқ армиясининг бу зенитчилари сомосачиларга қарши жангларда иштирок этганлар.**

АДН —ТАСС
**телефотоси.**

## «ТИНЧЛИК ЛАГЕРИ» ҚАТНАШЧИЛАРИ ТАЪҚИБ ҚИЛИНМОҚДА

БРЮССЕЛЬ. Бельгия маъмурлари урушга қарши ҳаракат активлари томонидан Американинг Флореннадаги ракета базаси яқинида тузилган «тинчлик лагери» қатнашчиларини таъқиб қилмоқдалар.

Пойтахт радиосининг хабар қилишича, база территориясида Американинг қанотли ракеталарини Бельгияда жойлаштиришга қарши ўтказилган норозилик намойишида қатнашган 13 киши ҳибсга олинди: улар суд қилиниб, қамоқ жазосига ҳукм этилади. Ҳибсга олинган кишиларнинг ҳаммаси Фламандларнинг атом қуролига қарши ҳаракат комитети аъзосидир.

Бироқ, «тинчлик лагери» қатнашчилари боши узра пайдо бўлган жазо хавфи уларнинг ҳаракатини тўхтата олмади: лагерь аъзолари Американинг ракета базаси дарвозаси ёнида яна норозилик намойиши ўтказдилар.

(ТАСС).

## АНГОЛАГА ҚАРШИ АГРЕССИВ КИРДИКОРЛАР

ДОРУССАЛОМ. ЖАР маъмурлари Ангола Халқ Республикасига қарши агрессив кирдикорларни тўхтовсиз давом эттирмоқдалар, деди визит билан бу ерга келган АХР мудофаа министри П. М. Тонья. Преториянинг қўпорувчилик ҳаракатлари оқибатида Ангола халқи 1975 йилда мустақилликка эришган пайтдан бери бир кун ҳам тинч ҳаёт кечиргани йўқ, деб уқтирди у.

Танзания мудофаа ва миллий хизмат министри М. Кимарио П. М. Тонья билан учрашувда сўзлаган нутқида Жанубий Африка қўшинлари Анголанинг жанубий районларини ҳамон оккупация қилиб турганини, ирқчилар УНИТА террорчилар гуруҳи газандаларига мадад бераётганини кескин қоралади.

Преториянинг агрессив ҳаракатлари қаршисида, деди М. Кимарио, Африка жанубидаги миллий озодлик ҳаракатларига ёрдамни кучайтириб, Намибияга мустақиллик берилишига ва ЖАРдаги ғайри инсоний апартеид системаси тугатилишига эришиш зарурлигини айтди.

## ОММАВИЙ НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

САН-ХОСЕ. Гватемаладан олинган хабарларга қараганда, мамлакат пойтахтида ҳарбий режимнинг жиноятларига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. «Домдараксиз йўқолган» сиёсий арбобларнинг қариндошларини, жамоат ташкилотларининг намояндаларини, демократларни бирлаштирувчи ўзаро мадад группасининг бир неча юз аъзоси шаҳар кўчаларидан ўтиб, қамоққа олинган кишилар бўшатиб юборилишини талаб қилди. «Бизнинг эрларимиз қани!», «Оталаримизни қаёққа яшириб қўйдинглар!», «Фарзандларимизни не куйларга солдингиз!» деб намойиш қатнашчилари қайта-қайта хитоб қилдилар.

Гватемаладаги халққа қарши, американараст режим ўз халқини қирғин қилмоқда. Минглаб кишилар таъқиботларга ва жабр-зулмга дучор этилмоқда, судсиз ва терговсиз ўлдириб юборилмоқда. Диктаторлик режимлари ҳукмронлик қилган йилларда гватемалаликлардан 34 мингдан кўпроқ кишини махфий полиция ва машъум «ажал эскадронлари» ўғирлаб кетди. Уларнинг кўплари ваҳшиёна қийноққа солинди.

Инсон ҳуқуқлари халқаро уюшмасининг хабар қилишича, ўтган йилнинг сентябридан шу йилнинг февралигача ўтган даврнинг ўзида Гватемалада 100 мингдан кўпроқ киши ўлдирилди, 114 киши «дом-дараксиз ғойиб бўлди» ва 1200 киши ҳибсга олинди. Ўтган йили мамлакатда жами 5 мингга яқин киши ўлдирилди, 1,5 минг киши «дом — дараксиз йўқолди» деб ҳисобланмоқда.

(ТАСС).




**◆ ГФРда биринчи зарба берадиган Америка ядровий ракеталарининг жойлаштирилиши Ғарбий Германия прогрессив жамоатчилигининг қатъий норозилигини туғдирмоқда. Тинчлик тарафдорлари Хайльбронни (суратда) «Першинг-2» ракеталаридан халос қилишни, ГФРдан барча Америка ядровий ракеталари олиб чиқиб кетилишини талаб этмоқдалар.**

В. Глухов фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

